

ЯЪҚУБИ ЧАРХИЙНИНГ ИРФОНИЙ ҚАРАШЛАРИ

Зойиров Эркин Халилович

Бухоро муҳандислик технология институти

Ижтимоий фанлар кафедраси доценти,

фалсафа фанлари номзоди

Борлиқдаги яратилган орасида Аллоҳни идрок этиш фақат инсонга берилган буюк неъматдир. Инсонга берилган бу неъмат “парда”лар билан тўсиб қўйилганки, инсон ибодати, зикри ва солиҳ амаллари билан руҳини моддий оламнинг таъсири ва ҳасадидан қутқариши натижасида “парда”лар очилиб, валийлик сифати юзага чиқади.

Нақшбандия тариқати намоёниси Яъқуби Чархий фикрича, “ҳар қандай ибодатдан мақсад зикрдир. Зикр жон бўлса, ибодат қолипдир. Ҳар қандай ибодатда ҳам Унинг ҳазратидан ғофил бўлса, чандон фойда бермас.”

“Дунё охираат экинзори” эканини қалбан англаган инсон кўр-кўроналик, мунофиқлик, ёлғончилик, эътиборсизлик, масъулиятсизлик, майдакашлик каби ихтилофларга йўл қўймайди. Аксинча, ибодатда Аллоҳ билан руҳан яқин бўладики, у ерга ҳатто “қил” ҳам сифмайди.

Мутасаввиф таълимотида “инсон зоҳири ва ботинида тўғрилиқ ҳосил бўлгач, у абадий саодатга муяссар бўлади”- дейди. Демак, олим ё абадий ҳалокатга, ё абадий саодатга дуч келувчидир. Агар инсон илмга шўнғиш билан саодат топа олмаган бўлса, саломатликдан маҳрум бўлади.

Бу ҳақда Қуръони каримда шундай дейилади: قال الله تعالى إن الذين قالوا ربنا الله ثم استقاموا “Албатта, “Роббимиз Аллоҳ” деган, сўнгра мустақийм-тўғри бўлганлар...” (Фуссилат: 30.). Яъни кимки “Парвардигоримиз Аллоҳ” деб, “Ла илаҳа иллаллоҳ” га иймон келтириб, унинг шартларига зоҳиран ва ботинан тўғри бўлганларга бу калиманинг натижаси албатта ҳосил бўлади. Зоҳирий тўғрилиқ шариатга тўла риоя қилиш, ботиний тўғрилиқ эса ҳақиқий иймон келтиришдир.

Ҳазрати Умар (р.а): “Бу уммат учун мен кўрққан нарсанинг энг кўрқинчлиси илмли мунофиқдир”, деганлар. “Илмли мунофиқ қандай бўлади?” деб сўрашганда, у зот: “Тилда олим, қалб ва амалда жоҳил”, деб жавоб берганлар.

Яъқуби Чархий Қуръони Каримга тафсир ёзган олимдир. Мутасаввиф “Абаса” сурасининг тафсирида ҳар бир киши зоҳирий ва ботиний илмларни эгаллаши лозимлигини тарғиб қилади. “Сенинг насибанг, шуки, - деб ёзади мутасаввиф, - ўзи солиҳ, бироқ фақир (камбағал) кишиларга саховат кўрсат ва уларга яқин бўлишга интил.” Яъқуби Чархий “Абаса” сураси тафсирида ожиз, фақир ва нотавон кишиларга ёрдам бериш улуғлаш ва уларга саховат ва марҳамат кўрсатиш лозимлигини ҳақида ёзар

<https://conferencea.org>

экан: “Ҳар ким “зоҳир илми” ёки “ботин илми” ларини ўрганишга машғул бўлсалар, аҳли Ҳақ (Худо ҳимоясидаги халқ)дан бўлади”, дейди.

Яъқуби Чархий каби Махдуми Аъзам ҳам илмни **зоҳир** ва **ботин** илмга бўлади. Зоҳир илмни эгаллаш ботин илмли бўлишга ёрдам беради, дейди. Лекин фақат зоҳир илмни эгаллаб, унга амал қилмаса у саробдир. Илмсиз ёғи йўқ чироғнинг пилиги кабидирки, ўзи куяди лекин ёруғлик бермайди. Аммо илмли барча оламни мунаввар этувчи ёруғлик манбаига эга. Ўзи соф, пок бўлганидан ўзгаларнинг ҳам йўлини ёритиб, тўғри йўл топишларига ёрдам беради.

Тасаввуфда фалсафасининг билиш босқичлари ўзига хос равишда талқин этилган бўлиб, унда илмлар зоҳирий ва ботиний илмга бўлинади. Зоҳир (араб – сиртки кўриниш, равшан, бир нарсанинг юзи, ташқи сатҳи) ботин маъносининг қарама – қаршиси бўлиб, уни сезгилар орқали англаш мумкин. Ботин (араб - яширин) қалбнинг аҳволини билиб олиш, ички дунёни ёмон ахлоқ ва ёвуз хислатлардан бўшатиб, Тангридан бандани узоқлаштирувчи нарсалардан ўзини тийишдир.

Яъқуби Чархий фикрича, зикр ихлос билан бўлмаса, чандон фойда бермайди. Балки, улуғ хавф бўлади. “Кимки, “Аллоҳ” десаю, қалби Аллоҳдан ғофил бўлса, икки оламда унинг душмани Аллоҳдир”, яъни ҳар ким “Аллоҳ” деса ва Аллоҳнинг ҳукмларига риоя қилишдан ғофил бўлса, икки жаҳонда унинг душмани Аллоҳнинг ўзидир.

Олим кишининг гуноҳига оладиган азоби бирн неча баробар бўлади. Чунки у билиб туриб осийлик қилади. Шунинг учун ҳам Аллоҳ айтади: “Албатта, мунофиқлар дўзахнинг энг тубида (бўлур)лар”, (Нисо сураси, 145-оят). Чунки улар билганларидан кейин инкор қилдилар.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи вассаллам) айтадилар: “Албатта, олим шундай азоб билан азобланадики, азобининг қаттиқлигидан дўзах аҳллари унинг атрофини айланадилар. Шунда дўзах аҳллари унинг атрофини ўраб олиб: “Сенга нима бўлди?” деб сўрашади. У: “Яхшиликка буюриб, ўзим қилмас эдим, ёмонликдан қайтариб, ўзим қилар эдим”, деб жавоб беради.”

Ҳасан Басрий “Олимларнинг жазоси қалбларининг ўлишидир. Қалбнинг ўлими эса, охират амали билан дунё талаб қилишдир”.

Яъқуби Чархий фикрича ҳар киши куну тун зикрга машғул бўлса, у бу оятнинг ҳукмига кўра ғофиллардан эмас, зокирлардан бўлади деб Жалолиддин Румийнинг қуйидаги байтини келтиради:

از ذکر همی نور فزاید مه را
در راه حقیقت آورده گمره را
هر صبح و نماز شام ورد خود ساز
خوش گفتن لا إله إلا الله را

<https://conferencea.org>

Аз зикр ҳаме фазояд махро,
Дар роҳи ҳақиқат оварда гумрахро.
Ҳар субҳу намози шом вирди худ соз,
Хуш гуфтан “Ла илаҳа иллаллоҳ”ро.

Таржимаси:

Зикрдан нурлар куйилар моҳга,
Ҳақ йўлин кўрсатадир гумроҳга.
Тонгу шоминг беа вирдинг билан,
Эш бўл, “Ла илаҳа иллаллоҳ”га.

Зикр ирфоний билишнинг усули сифатида уч мақомга эга. Биринчиси, қалб билан адо этиладиган зикр бўлиб, зикрда зикр қилинаётган ашё ёддан чиқарилмаган бўлса ҳам, давомли зикр қилинади. Иккинчиси, зикр этилаётган ашёнинг сифатларини зикр қилишдир. Учинчиси, зикр этилаётган ашёни кўриш. Зокир У (Аллоҳ)нинг сифатларини зикр этиш чоғида ўз инсоний сифатларини унутади ва У (Аллоҳ)нинг зикрида фоний бўлади¹.

Манбаларда, Мавлоно Ориф Деггаронийнинг юксак маънавий хислатлар соҳиби эканлиги, адолат, инсоф, диёнат тарафдори бўлганликлари, шуҳратпарастлик, манманликни қоралаганликларининг гувоҳи бўламиз. Айтар эдиларки, «Таом истеъмол қилаётган пайтда ҳар бир аъзо бир иш билан банд бўлур. Дил ҳам бу пайтда зикрбилан машғул бўлур. Лекин бу вақтда дил «Аллоҳ» ёки «Ла илаҳа иллаллоҳ» зикрини эмас, балки дастурхондаги неъматни берувчи Аллоҳ таолонимушоҳада этур. Дил сабабдан мусаббибга келур. Аллоҳнинг Раззоқлигинимушоҳада этур. Мана шу ҳолат зикр ҳисобланади. Шундайлар ҳам борки, ўнг қўли билан таом ейди, чап қўли билан тасбеҳ ўтиради. Бу иш манманлик, кибр, шуҳратпарастлик, фирибгарлик ҳисобланади». Ориф Деггароний инсон таом тановул қилар экан, берган ризқи учун Аллоҳга шукронаайтишга чақирадилар.

Яъқуби Чархий устози Баҳоуддин Нақшбанддан эшитган куйидаги фикрини келтиради: الذكر ارتفاع الغفلة فإذا ارتفع الغفلة فأنت ذاكرو إن سكت “Зикр бу ғафлатнинг кетишидир. Агар ғафлат кетса, сен сукут қилувчи зокирга айланасан”, яъни зикр ғафлатнинг узоқлашуви бўлиб, бунда киши сукут ҳолида зикр қилувчи бўлади. Ва яна айтар эдилар: “Вуқуфи қалбий шу қадар муҳимки, киши еб-ичганда ҳам юрганда ҳам таҳорат олганда ва намозу Қуръон ўқиганда ҳам ёзиб-чизганда ва дарс қилганда ҳам ваъзу насиҳат пайтида ҳам ҳар қандай ҳолатда, токим, мақсуд ҳосил бўлмагунча бир лаҳза ҳам ғофил бўлмасин”. Шунинг учун Нақшбандия тариқатига ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд “Вуқуфи қалбий” – қалбдан огоҳ бўлиш рашҳасини киритган. Бу тамойилнинг вужудга келишида биринчи

¹ Шайх ал-Колободий. Тасаввуф сарчашмаси. – Б. 88.

<https://conferencea.org>

сўфия аёл Робия Адавиянинг: “Ё раб, дилимни намозга ҳозир айла ва дил торимни ўзингга созла!” ғояларининг таъсири бор.

Баҳоуддин Нақшбанднинг “Аврод” рисоласи ва укишининг айтганлари жамланган Муҳаммад Порсонинг “Рисолаи қудсия” асарида айнан қалб инсоннинг жисмоний ва руҳий оламини бир – бири билан боғлаб турган марказ эканлиги, қалбда нақшланган нарса хотирада муҳрланиши, қалб ҳолати инсоннинг бутун ҳолатини белгилаши ва шунинг учун қалбни поклаб туриш, уни ташқи таъсирлардан асраш, ёмон ҳамсухбатлар, ёмон ҳиссиётлардан асраш лозимлигини таъкид этганлар.

Яъқуби Чархий фикрича, Вуқуфи қалбийга мулозамат қилинавергач, зикр хулосаси бўлиб, банданинг басират кўзи очилади, дилнинг боргоҳи ағёр тиканларидан холи бўлади. Зикр қилувчи эса фано уммонига маҳв бўлади. Бу шарафга *فأذكروني أذكركم* “Бас, Мени эсланглар, Мен ҳам сизларни эслайман”² оятининг тақозоси билан мушарраф бўлади.

Баҳоуддин Нақшбанд таълимотида “вуқуфи қалбий” икки маънони англатади. Биринчиси: “ҳақиқатни англашни истаган кишининг қалби Ҳақдан огоҳ бўлиб туриши. Буни ёддошт деб айтадилар”. Шу маънода яна у “Вуқуфи қалбий” қалбнинг Ҳақдан шударажада огоҳ ва ҳозир бўлишики, худонинг ўзидан бошқа бирон нарсауни машғул қилмайди”, деб айтади. Бошқа жойда огоҳликни зарур ҳисоблаб, уни шухуд, вусул ва вуқуфи қалбий деб номлайди.

Нақшбандия таълимотига асослансак, ҳаёт нафаслар тизимидан иборатдир. Инсон ҳар бир нафасидан огоҳ бўлиб, уларни эзгу ишларига сафарбарэтса, у тирик ҳаёт кечиряпти, умри мазмунли ўтаяпти. Аммо инсон ғафлатда қолиб умрини, ҳар бир нафасини мазмунсиз ўтказса ундай кишини ўлик деганлар.

Яъқуби Чархий фикрича, “Бу йўлдан боровчилар икки қисмдирлар. Баъзилари турли хил риёзатлар чекиб, мужоҳадалар қилиб, натижа излайдилар ва натижа уларга муяссар бўлади. Яна баъзилар эса Ҳақ таъолонинг фазлидан ўзгани кўрмайдилар ва жамики тоату мужоҳадаларини фақатгина Унинг фазлидан кўрадилар. Амални мулоҳаза қилиб ўтирмайдилар ва амални сира тарк ҳам қилмайдилар. Мана шу тоифа мақсудга тезроқ етишадилар. “Ҳақиқат амални эмас амалнинг мулоҳазасини тарк этишдир”.

Яъқуби Чархий илмни амал билан бирга кўради. Илмни эгаллашдаги ният шу пайтда натижа берадики, унга амал қилинса. Илму амал бирга бўлганда натижа ҳосил бўлади. Илмни эгаллаб, оразий, мажозий, фоний вужудни тарк этиб, Ҳақиқий вужуд билан боғлангандан кейин юз минглаб натижалар беради. Лекин бир шахс дунё ва охираат илмларини эгаллаган бўлсаю, уларни амал қилмаса, ундан ҳеч қандай натижа ҳосил бўлмайди.

²Бақара сураси, 152-оят.

<https://conferencea.org>

Яъкуби Чархийнинг фикрича, солиқнинг йўли ҳақиқий илмни эгаллаб, ақидасини маҳкам тутиб, шариат ҳукмларини жойига қўйиб, фикҳ масалаларини эгаллаб бўлгач, Аллоҳдан нимаики неъмат етган бўлса, ўша билан кифояланиб яшаши лозим. Толиб – ейиш-ичишда бориға қаноат қилиши, кийиниши эса иссиқ ва совуқдан сақланиш учунгина бўлиши керак.